
Учкўприк тумани ҳокимига янги ўринбосар тайинланди

Махсудов Усмонжон Дадабоевич Учкўприк тумани ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

Усмонжон Махсудов 1971 йилда Учкўприк туманида туғилган. 1997 йилда Фарғона давлат университетини тамомлаган.

Усмонжон Махсудов турли йилларда Учкўприк тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси, Учкўприк тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш инспекцияси бошлиғи, Учкўприк тумани ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи, Учкўприк тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, Давлат хизматлари маркази директори каби лавозимларда фаолият юритган. Тайинловга қадар Учкўприк тумани Адлия бўлими Давлат хизматлари маркази шўъба мудирини лавозимида ишлаган.

2022-10-03 17:14:51